

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**363 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Импорт операцияларини янада тартибга солиш ва уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарорнинг амал қилиши қарор кучга киргандан кейин тузиладиган контрактларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Ушбу қарор 2009 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга қиради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 август,
230-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 12 августдаги 230-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 13 мартдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Импорт операциялари бўйича контрактларни ҳисобга олиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш тўғрисидаги низомда:

а) V бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ташқи савдо импорт операцияларини назорат қилиш»;

б) 25-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«25. Пул маблағлари ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида товарларни республикага келтириш ва эркин муомалага чиқариш режимига расмийлаштириш, импорт контрактлари бўйича ишлар ва хизмат-

лар кўрсатишни бажариш ёки улар учун тўланган пул маблағларини қайтаришнинг таъминланмаганлиги тўлов муддати ўтган дебиторлик қарз ҳисобланади.

Агар пул маблағлари ўтказилган санадан бошлаб 180 календарь кун мобайнида импорт қилувчи корхона томонидан ваколатли банкка товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилганлиги тўғрисида божхона хизматларининг тегишли қайдлари ёзилган карточка, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича эса — бажарилган ишларнинг инвойслари, счёт-фактуралари, далолатномалари тақдим этилмаса, у ҳолда ваколатли банклар кўрсатиб ўтилган муддат тугагандан кейин ўн кун муддатда импорт қилувчи корхона давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ инспекциясига тегишли ахборотни жўнатади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9.5-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўтказиб берувчилар томонидан монтаж ва (ёки) ишга тушириш-созлаш ишлари амалга оширилишини, улар томонидан ходимларни ўқитиш, роялти тўлови хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилишини назарда тутувчи асбоб-ускуналар, қурилмалар, механизмлар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш юзасидан импорт контрактлари бўйича бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва роялти суммаси контрактларда (спецификацияларда) алоҳида кўрсатилади».